

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛГЕБРА ВА СОНЛАР НАЗАРИЯСИ

**фани бўйича замонавий педагогик технология асосида
ёзилган маъруза матни**

Гулистон 2006

«Алгебра ва сонлар назарияси» фанидан ўқув-методик мажмуа _____ бет.

5460100-математика (5480100-амалий математика ва информатика) таълим йўналиши бўйича тахсил олаётган талабалар учун мўлжалланган маъруза матни.

Тузувчи: физика-математика фанлари номзоди, доцент **Гаймназаров Г.**

Такризчилар: СамДУ доценти, физика-математика фанлари номзоди

Абдуқодиров Е.

ГулДУ доценти, физика-математика фанлари номзоди

Қосимов С.

Имло бўйича муҳаррир: **Абдуллаев Ж.** филология фанлари номзоди, доцент

1-Маъруза

Мавзу: ЧИЗИҚЛИ ФАЗОЛАР

Асосий саволлар:

1. Чизикли фазо тушунчаси ва унинг базиси, ўлчови.
2. Векторнинг базисдаги координатаси. Қисм фазолар устида амаллар.

Таянч иборалар ва тушунчалар.

Фазо, базис, ўлчов, координаталар, чизикли кўпхиллилик, қобик, изоморфизм.

1-асосий савол бўйича ўқитувчининг мақсади:

1. Чизикли фазо тушунчасини бериш.
2. Фазонинг базисини, ўлчовини тушунтириш.

1-асосий савол баёни

Фараз қилайлик M тўплам бўлсин. $M = \{x_1, x_2, \dots\}$. Бу тўплам элементларига нисбатан аниқ бир тўпламни тушуниш мумкин. Масалан: элементлари сонлардан, векторлардан, матрисалардан иборат бўлиши мумкин. Агар элементлари векторлардан иборат бўлса, M векторлар тўплами дейилади. Агар элементлари кўпхадлардан иборат бўлса, M кўпхадлар тўпламидан иборат бўлади ва ҳоказолар.

Энди M кўпхадлар тўплами қандай бўлмасин унинг элементларини «векторлар» деб атаймиз. Бу «вектор» тушунчаси, яъни элементларни «вектор» деб аташ кенг маънода тушунилади.

Таъриф: Агар M тўпламда икки векторнинг (элементнинг) x_k, x_s йиғиндиси $x_k + x_s$ ва бирор x_k векторни λ сонга кўпайтмаси λx_k тушунчаси киритилган бўлиб қуйидаги шартлар:

1. $\forall x_k, x_s \in M \quad x_k + x_s = x_n, x_n \in M \quad \lambda x_k = x_m, x_m \in M$
2. $x_k + x_s = x_s + x_k$
3. $x_k + (x_s + x_p) = (x_k + x_s) + x_p;$
4. $\exists \theta \in M, x_k + \theta = x_k; \quad \theta$ -нол вектор дейилади.

3. Даражаси n дан ошмайдиган $P_n(x)$ кўпхадларни қарайлик;

$$P_n(x) = a_n x^n + a_{n-1} + \dots + a_1 x + a_0$$

кўпхадларни қўшиш, сонга кўпайтиришни оддий маънода қўрамыз. Бу тўплам ҳам чизиқли фазони ташкил этади.

4. $[a, b]$ сегментда узлуксиз бўлган функциялар тўпламини олиб қарайлик.

$$M = \{f_1(x), f_2(x), \dots\}$$

Ихтиёрий $f_i(x)$ функция $[a, b]$ сегментда узлуксиз.

Икки функцияни қўшиш ва сонга кўпайтиришни оддий маънода қараймиз.

Демак узлуксиз функциялар тўплами ҳам чизиқли фазони ташкил этади.

5. M тўплам XOY текисликнинг фақат 1-чи чоракда ётувчи векторлардан иборат бўлсин. Бу ерда 5-шарт бажарилмайди.

2. Чизиқли фазонинг базиси ва ўлчови.

Фараз қилайлик R бирор чизиқли фазо бўлсин, бу чизиқли фазода n та векторни олиб қарайлик.

$$x_1, x_2, x_3, \dots, x_n \quad (1)$$

Таъриф. Агар ҳеч бўлмаса биттаси 0 дан фарқли бўлган

$$\lambda_1, \lambda_2, \lambda_3, \dots, \lambda_n \quad (2)$$

сонлар мавжуд бўлиб,

$$\lambda_1 x_1 + \lambda_2 x_2 + \lambda_3 x_3 + \dots + \lambda_n x_n \quad (3)$$

тенглик бажарилса, у ҳолда (ИИ) векторлар системаси чизиқли боғланган дейилади.

Таъриф. Агар (3) тенглик фақат

$$\lambda_1 = 0, \lambda_2 = 0, \lambda_3 = 0, \dots, \lambda_n = 0 \quad (4)$$

Бўлгандагина бажарилса, у ҳолда (ИИ) векторлар системаси чизиқли боғланмаган дейилади.

Фазодан олинган ихтиёрий n -та векторлар системаси чизиқли боғланган ёки боғланмаган бўлиши мумкин. Улар ҳақида қуйидаги теорэмани келтирамыз.

Теорема. Агар (И) векторлар системаси чизиқли боғланган бўлса, у ҳолда улардан биттасини қолганлари орқали ифодалаш мумкин.

Исбот. Фараз қилайлик (ИИ) векторлар системаси чизиқли боғланган бўлсин.

Демак (3) тенглик λ_i ларнинг бирортаси 0 дан фарқли бўлганда ўринлидир.

Буни еътиборга олиб (3) ни қуйидагича ёзамиз. Аниқлик учун $\lambda \neq 0$ деб қарайлик.

$$x = -\frac{\lambda_2}{\lambda_1}x_2 - \frac{\lambda_3}{\lambda_1}x_3 - \dots - \frac{\lambda_n}{\lambda_1}x_n, \quad -\frac{\lambda_2}{\lambda_1} = \beta_2, \quad -\frac{\lambda_3}{\lambda_1} = \beta_3, \quad \dots \quad x = \beta_2x_2 + \beta_3x_3 + \dots + \beta_nx_n \quad (5)$$

Бу (5) тенглик x_1 векторни қолганлари орқали ифодалашдан иборатдир.

Таъриф. Агар R фазода n та вектор чизиқли боғланмаган бўлса, у ҳолда R фазо n ўлчовли чизиқли фазо дейилади ва R_n деб белгиланади.

Фараз қилайлик $x_1, x_2, \dots, x_n$ (Иа) чизиқли боғланмаган бўлсин.

$x_1, x_2, \dots, x_n, x_{n+1}$ (6) чизиқли боғланган бўлсин. У ҳолда (Иа) чизиқли еркли дейилади. Энди (6) система чизиқли боғланган бўлганлиги учун ицботланган теоремага асосан уларнинг биттасини қолгаглари орқали ифодалаш мумкин. Шунинг учун x_{n+1} ни қолганлари орқали ифодалаймиз.

$x_{n+1} = \alpha_1x_1 + \alpha_2x_2 + \dots + \alpha_nx_n$ (7). Бу (7) x_{n+1} векторнинг (Иа) ифодаланиши дейилади.

Таъриф. R_n фазонинг n та чизиқли боғланмаган векторлар тўплами бу фазонинг базиси дейилади.

Шундай қилиб, агар P фазода базис векторлар сони n бўлса, у ҳолда бундай фазо n ўлчовли фазо дейилади ва R_n деб белгиланади.

Масалан, $ХОУ$ текисликда векторлар фазоси 2 ўлчовли фазони ташкил этади. R_2 фазо R_1 фазо тўғри чизиқлар устида ётувчи векторлар фазоси бўлиб бир ўлчовлидир.

2-асосий савол

Векторнинг базисдаги координатаси.

Қисм фазолар устида амаллар.

2-асосий савол бўйича ўқитувчининг мақсади:

1. Векторнинг базисдаги координаталарини тушунтириш.
2. Координаталар узгаришини тушунтириш .
3. Изоморф фазоларни урнатиш.
4. Кисм фазолрнинг бирлашмасини ва кесишмасини ургатиш.

2-асосий саволдан келиб чиқадиган идентив ўқув мақсадлар:

1. Векторнинг базисдаги координаталарини тушуниб олади.
2. Изоморф фазоларни тушуниб олади.

2-асосий савол баёни

Фараз қилийлик R_n бирор n ўлчовли фазо бўлсин унинг базиси

$$x_1, x_2, \dots, x_n \quad (1)$$

векторлардан иборат бўлсин. Энди қуйидаги векторлар системасини олайлик.

$$x_1, x_2, \dots, x_n, x_{n+1} \quad (2)$$

Бу (2) чизиқли боғланган.шунинг учун (2) даги x ни қолганлари орқали ифодалаш мумкин.

$$x = \xi_1 x_1 + \xi_2 x_2 + \xi_3 x_3 + \dots + \xi_n x_n \quad (3)$$

Бу (3) x векторнинг базис орқали ифодаланиши дейилади. Бундаги

$$\xi_1, \xi_2, \xi_3, \dots, \xi_n \quad (4)$$

Сонлар агар x векторнинг (1) базисдаги координаталари дейилади. Агар биз (1) базисдаги бошқа бир

$$y_1, y_2, y_3, \dots, y_n \quad (5)$$

Базиси танлансак, у ҳолда ўша биз қараётган x векторнинг координиталари бошқа бўлади, яъни

$$x = \eta_1 y_1 + \eta_2 y_2 + \eta_3 y_3 + \dots + \eta_n y_n \quad (6)$$

Биз x векторнинг (И) (ва (5) базисдаги координаталари орасидаги боғланиш келтириб чиқаришимиз мумкин. Бунинг учун (И) даги хар бир векторни (5)

базис орқали ифодалаймиз ва бу ифодаларни (3) га қўямиз. Натижада (6) га асосан биз ξ_i ва η_i ларга боғлиқ бўлган системани ҳосил қаламиз. Бу системани η_i Ларга нисбатан чизиқли тенгламалар системаси кўринишда ечамиз. Натижада қуйидагиларга ега бўламиз.

$$\begin{cases} \eta_1 = b_{11}\xi_1 + b_{12}\xi_2 + b_{13}\xi_3 + \cdots + b_{1n}\xi_n \\ \eta_2 = b_{12}\xi_1 + b_{22}\xi_2 + b_{23}\xi_3 + \cdots + b_{2n}\xi_n \\ \vdots \\ \eta_n = b_{n1}\xi_1 + b_{n2}\xi_2 + b_{n3}\xi_3 + \cdots + b_{nn}\xi_n \end{cases} \quad (7)$$

Бу (7) базис ўзгарганда координаталарнинг ўзгариши дейилади.

Изоморф фазолар.

Фараз қилийлик R_1 ва R_2 чизикли фазолар бўлсин, уларни элементларини қуйидагича белгилаймиз.

$$R_1 = \{x_1, x_2, x_3, \dots, x_n, \dots\}, \quad R_2 = \{y_1, y_2, y_3, \dots, y_n, \dots\}$$

Таъриф. Агар R_1 ва R_2 фазоларнинг векторлари орасида ўзаро бир қийматли мослик ўргатилган, бўлиб бу мослик икки векторнинг йиғиндиси ва сони кўпайтириш амалларига нисбатан ҳам ўринли бўлса, у ҳолда бундай фазолар изоморф фазолар дейилади

Бу таърифни қўйидагича ифодалаш мумкин.

$$\{R_1 \ni x_i \leftrightarrow y_i \in R_2\} \Rightarrow \left\{ \begin{array}{l} x_k + x_s \leftrightarrow y_k + y_s \\ \lambda x_j \leftrightarrow \lambda y_j \end{array} \right\} \quad \mathbf{P}_1 \sim \mathbf{P}_2$$

Изоморф фазога таалукли бўлган теорэмани келтирамиз.

Теорема. Хамма бир ҳил ўлчовли фазолар бир-бирига изоморфдир.

Исбот. Фараз қилайлик R_1 ва R_2 фазолар бир хил ўлчовли бўлсин.

Уларнинг базисларини мос равишда $e_1, e_2, \dots, e_n$ ва $f_1, f_2, \dots, f_n$ деб олайлик.

Энди $x \in R_1$, $x = \alpha_1 e_1 + \alpha_2 e_2 + \dots + \alpha_n e_n$ векторга монотон.

$y \in R_2$, $y = \alpha_1 f_1 + \alpha_2 f_2 + \dots + \alpha_n f_n$ векторни мос қилиб қўямиз.

Бу мослик ўзаро бир қайматлидир. Бундай мослик векторларни қўшишда ҳам ва сони векторга қўпайтиришда ҳам сақланади. Демак n ўлчовли R_1 ва R_2 фазолар бир-бирига изоморфдир, яъни $P_1 \sim P_2$. Теорэма исбот бўлди.

Қисм фазолар.

Фараз қилайлик R_n бирор фазо бўлсин. Бу фазонинг векторларидан M тўплам тузайлик. Агар M тўплам тузайлик. Агар M тўплам фазо шартларини қаноатлантирса у қисм фазо дейилади. Энди қуйидаги векторларни олайлик.

$$x_1, x_2, x_3 \dots x_m \quad (1)$$

Бу векторлардан қуйидаги ифодани тузайлик.

$$\alpha_1 x_1 + \alpha_2 x_2 + \alpha_3 x_3 + \dots + \alpha_m x_m = y_1 \quad (2).$$

Бу (2) йиғинди (7) системанинг чизиқли комбинацияси дейилади. Энди (2) га ўхшаш

$$\beta_1 x_1 + \beta_2 x_2 + \beta_3 x_3 + \dots + \beta_m x_m = y_2 \quad (2a)$$

комбинация тузайлик. Бундай $\{y_k\}$ тўплам яъни

$$\{y_k\} = \{y_1, y_2, \dots\} = L \quad (3)$$

Тўплам фазо шартларини қаноатлантиради. Демак L -қисм фазо, яъни $L \in R_n$.

Бундай қисм фазо чизиқли кобик дейилади. бунинг ўлчови R_n фазонинг ўлчовидан ортиқ эмас. L -нинг ўлчовини S - десак, у ҳолда $S \leq n$.

R_n фазодан ихтиёрий x_0, x_0 -тайинланган. Ихтиёрий x_k векторни олиб қарайлик.

$$x_0 + x_k = y_{0k}, k=1,2,3, \quad (4)$$

Векторлар системани тузайлик. y_{0k} векторлар x_k векторларни x_0 бўйича силжиши дейилади. Бундай $\{y_{0k}\} = H$ векторлар тўплами R_n фазонинг бир

қисми бўлиб қисм фазони ташкил этади. Буни текшириб кўриш мумкин. Ҳ қисм фазолар чизиқли кўпхиллик дейилади.

Қисм фазоларнинг йиғиндиси ва кесими.

Фараз қилайлик R_n чизиқли фазо бўлсин. Унинг U_1 ва U_2 қисм фазоларни олайлик, яъни

$$U_1 = \{x_1, x_2, \dots\} \text{ ва } U_2 = \{y_1, y_2, \dots\}$$

бўлсин. У ҳолда

$$W = U_1 + U_2 = \{x_i + y_i\}, \quad x_i \in U_1, U_2, y_i \in U_2$$

тўплам U_1 ва U_2 қисм фазоларнинг йиғиндиси дейилади. W -қисм фазо эканлигини кўрсатиш мумкин. U_1 ва U_2 қисм фазолардаги векторларнинг айримлари умумий бўлиши мумкин. Бу умумийлардан тузилган U тўплам қисм фазоларнинг кесими дейилади.

Ҳосил бўлган U кесим тўплам ҳам қисм фазо эканини кўрсатиш мумкин.

Энди $W = U_1 + U_2$ ва $U = U_1 \cap U_2$ қисм фазоларнинг ўлчови ҳақида тўхтаб ўтамиз.

$\dim R_n = n$ (дименсион-ўлчов) деб олсак, у ҳолда

$$\dim(U_1 + U_2) + \dim(U_1 \cap U_2) = \dim U_1 + \dim U_2$$

тенгликни исботлаш мумкин.

Қисм фазоларнинг йиғиндиси билан биргаликда уларнинг тўғри йиғиндиси тушунчаси ҳам мавжуд. Буни қуйида кўриб ўтамиз. $W = U_1 + U_2$ қисм фазоларнинг йиғиндисининг вектори R_n фазонинг вектори бўлгани учун

$z_{ij} \in M$ $z_{ij} = x_i + y_i$ векторни U_1 ва U_2 қисм фазоларнинг бошқа векторлари орқали ифодалаш мумкин. Бундай ифодаланиш фақат биргина эмас бирнечта бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан қисм фазоларнинг тўғри йиғиндиси тушунчасини киритамиз. Қисм фазоларнинг тўғри йиғиндиси қисм

фазоларнинг йиғиндиси каби Аниқланиб ундаги ҳар бир вектор U_1 ва U_2 қисм фазо векторлари оали фақат биргина кўринишда ифодаланади.

Ана шундай қисм фазоларнинг йиғиндиси қисм фазоларнинг тўғри йиғиндиси дейилади ва уни $U_1 \oplus U_2 = \bar{W}$ деб белгиланади. $\bar{W}$ тўғри йиғинди ҳар бир вектор биргина кўринишда ифодаланади.

Теорэма. R_n фазо W тўғри йиғиндидан иборат бўлиши учун $U_1 \cap U_0 = 0$ (яъни кесим фақат битта нол элемент) бўлиши зарур ва кифоядир.

Бу теорэмани бошқача кўринишда ҳам ифодалаш мумкин.

Теорэма. R_n фазо U_1 ва U_2 ўзининг қисм фазоларнинг йиғиндиси бўлиши учун қисм фазолар базисининг бирлашмаси R_n фазо базисини ташкил етиши зарур ва кифоядир.

1-маъруза бўйича амалий машғулот.

Мавзу: Чизикли фазо.

Дарснинг мақсади

Чизикли фазо тушунчасини, базис ва ўлчов мисол ва масалалар асосида ўргатиш.

Идентив ўқув мақсади

Чизикли фазо тушунчасига ега бўлади ва бунда фазонинг ўлчови, базисини ўрганиб олади.

Зарурий материаллар

Проскуряков И.В. Сборник задач по линейной алгебре.(М.1978) китобидан Н 1277-1279, 1282, 1283.1285-1293 масалалар 1310-1311,1317,1318.

Дарсда ечиладиган масалалар

1) 1277,1278,1310 масалалар

2) 1285-1290,1318 масалалар

Мустақил бажариш учун

1) 1282 а),б) 1283, 1311, 1291-1293, 1317

Мавзуга оид илмий муаммолар.

1. Фазонинг базис ва ихтиёрий векторини базис орқали ифодалаш.
2. Қисм фазоларнинг бирлашмаси ва кесишмасининг ўлчови.
3. Фазоларнинг изоморфлиги.

Асосий хулосалар ва уларни мустаҳкамлаш.

1. Хулоса. Чизиқли фазодаги ўзаро чизиқли боғланмаган векторлар базисни ташкил этади. Базис орқали ихтиёрий вектор ифодалаш мумкин. Базис ўзгарганда векторнинг координаталари ўзгаради. Ҳамма бир хил ўлчовли фазолар ўзаро изоморфдир.

2. Мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Чизиқли фазо таърифини келтиринг.
2. Базис нима ?
3. Векторнинг координаталари нима ?
4. Қисм фазолар устида қандай амаллар бажарилади ?
5. Изоморфизм нима ?

Мавзу бўйича мустақил топшириқлар:

1. Кисм фазолар ва уларнинг бирлашмаси (йигиндиси) кесишмаси.[1] §39§45
2. Векторлар сстэмасининг чизиқли боғланиши. [1], §40.
3. Векторлар сстэмасининг чизиқли кобиғи ва купхиллик [1], §44, §46.

АДАБИЁТЛАР.

1. Назаров Р. Н. Ва бошқалар Алгебра ва сонлар назарияси, И-қисм , Т. 1993 й.
2. Петрова В.Т. Лекции по алгебре и геометрии, М, 1997 г.
3. Гаймназаров Г, Жамуратов К. Чизиқли алгебра элементлари, Гулистон 1991й.

2-МАЪРУЗА.

МАВЗУ: ЧИЗИҚЛИ ВА КВАДРАТИК ФОРМАЛАР. ЕВКЛИД ФАЗОСИ.

Асосий саволлар:

1. Чизиқли ва квадратик формалар.
2. Евклид фазоси.

Таянч иборалар ва тушунчалар .

Чизиқли форма, бичизиқли форма, қўшма фазо, квадратик форма, Ермит формаси, Евклид фазо, Унитар фазо, ортогонал базис, ортогоналлаштириш.

1-асосий савол бўйича ўқитувчининг мақсади.

1. Чизиқли форма тушунчасини бериш
2. Бичизиқли форма тушунчасини бериш
3. Квадратик формани тушунтириш

4. Квадратик формаларни соддалаштиришни ургатиш

1-асосий саволдан келиб чиқадиган идентив ўқув мақсадлари.

1. Бичизикли формани тушуниб олади.
2. Квадратик формани сода шаклга келтиришни ўрганиб олади.

1-асосий савол баёни

R фазо берилган бўлсин. Бу фазода қандайдир $f(x)$ функцияни қуйидаги шартларни қаноатлантирса, $f(x)$ чизикли функция дейилади.

$$1. f(x_1 + x_2) = f(x_1) + f(x_2) \quad 2. f(\lambda x) = \lambda f(x)$$

$$f(\lambda x_1 + \lambda x_2) = f(\lambda x_1) + f(\lambda x_2) = \lambda f(x_1) + \lambda f(x_2) \quad (И)$$

Бу ерда f мослик $f(x)$ ни бирор λ сонга мос келтиради. Аниқроғи $f(x) = \lambda, x \in R$ вектор.

Таъриф. Агар икки ўзгарувчили $A(x, y)$ функция R фазода берилган бўлиб, ҳар қайси ўзгарувчига нисбатан чизикли бўлса, у ҳолда бу $A(x, y)$ функция бичизикли функция дейилади.

Бу таърифни бошқача қилиб айтиш мумкин. Агар $A(x, y)$ функция ҳар бир ўзгарувчига нисбатан (И) шартни қаноатлантирса, яъни

$$1. A(\lambda_1 x_1 + \lambda_2 x_2, y) = \lambda_1 A(x_1, y) + \lambda_2 A(x_2, y)$$

$$2. A(x, \mu_1 y_1 + \mu_2 y_2) = \mu_1 A(x, y_1) + \mu_2 A(x, y_2)$$

бўлса, у ҳолда $A(x, y)$ функсия бичизикли (форма) функция дейилади.

Энди бирор R_n фазода берилган $A(x, y)$ бичизикли формани кўриб ўтамиз. R_n фазо базиси

$$e_1, e_2, \dots, e_p \quad (2)$$

бўлсин. Бу фазода ва векторларни олиб (2) базис орқали ифодалайлик.

$$x = \xi_1 e_1 + \xi_2 e_2 + \dots + \xi_n e_n, y = \eta_1 e_1 + \eta_2 e_2 + \dots + \eta_n e_n$$

У ҳолда

$$\begin{aligned}
A(x, y) &= A(\xi_1 e_1 + \xi_2 e_2 + \dots + \xi_n e_n, \eta_1 e_1 + \eta_2 e_2 + \dots + \eta_n e_n) = \\
&= \xi_1 A(e_1; \eta_1 e_1 + \dots + \eta_n e_n) + \xi_2 A(e_2; \eta_1 e_1 + \dots + \eta_n e_n) + \dots + \xi_n A(e_n; \eta_1 e_1 + \dots + \eta_n e_n) = \\
&= \xi_1 \eta_1 A(e_1, e_1) + \xi_1 \eta_2 A(e_1, e_2) + \dots + \xi_1 \eta_n A(e_1, e_n) + \xi_2 \eta_1 A(e_2, e_1) + \xi_2 \eta_2 A(e_2, e_2) + \dots + \\
&\quad \xi_2 \eta_n A(e_2, e_n) + \dots + \xi_n \eta_1 A(e_n, e_1) + \xi_n \eta_2 A(e_n, e_2) + \dots + \xi_n \eta_n A(e_n, e_n) = \\
&= \sum_{k=1}^n \sum_{i=1}^n \xi_i \eta_k A(e_i, e_k) = \sum_{i,k=1}^n \xi_i \eta_k A(e_i, e_k)
\end{aligned} \tag{3}$$

$$A(e_i, e_k) = a_{ik} \tag{4}$$

$$A(x, y) = \sum_{i,k=1}^n a_{ik} \xi_i \eta_k \tag{5}$$

(5) дан тузилган матриса бичизикли форманинг матрисаси дейилади, яъни

$$\begin{pmatrix} a_{11} & a_{12} & \dots & a_{1n} \\ a_{21} & a_{22} & \dots & a_{2n} \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ a_{n1} & a_{n2} & \dots & a_{nn} \end{pmatrix}$$

Таъриф. Агар $A(x, y)$ бичизикли формада $x = y$ бўлса, у ҳолда $A(x, x)$ квадратик форма дейилади.

Бундай ҳолатда (4) чи $A(e_i, e_k) = a_{i,k}$ (4^б) бўлади.

$$A(x, x) = \sum_{i,k=1}^n a_{i,k} \xi_i \xi_k \quad (5^b) \quad \xi_i = \eta_i, \quad \xi_k = \eta_k$$

Агар бу ерда $a_{i,k} = a_{k,i}$ (6) бўлса, симметрик квадрат форма бўлади. Ҳар бир бичизикли форманинг ўзига мос бўлган квадратик формаси мавжуддир. Биз R фазодаги сонлар ҳақиқий сонлар деб қарадик. R фазода қаралаётган сонлар ҳақиқий комплекс сонлар бўлса, комплекс фазо бўлади. Юқоридаги бичизикли формани комплекс фазода ҳам кўриш мумкин.

Таъриф. Агар $A(x, y)$ функция комплекс сон бўлиб бу функция учун

$A(x, y) = \overline{A(y, x)}$ (7) шарт бажарилса, у ҳолда бундай $A(x, y)$ бичизикли форма Ермит формаси дейилади.

$$\alpha = a + b_i, \quad \bar{\alpha} = a - b_i$$

Таъриф. $A(x, y)$ симетрик бичизикли форма бўлсин. $y = x$ деб фарз қилганда $A(x, y)$ да ҳосил бўладиган $A(x, x)$ функция квадратик форма дейилади.

$A(x, y)$ функция $A(x, x)$ квадратик формаси билан бир қийматли аниқланади. Ҳар қандай квадратик форма берилган базисда

$$A(x, x) = \sum_{i,k=1}^n a_{i,k} \xi_i \eta_k$$

Формула билан ифода етилади, бунда $a_{i,k} = a_{k,i}$. Яна бир муҳим таъриф киритамиз.

Таъриф. Агар ҳар қандай $x \neq 0$ вектор учун $A(x, x) > 0$ бўлса, $A(x, x)$ квадратик форма мусбат аниқланган квадрат форма дейилади.

Мисол. $A(x, x) = \xi_1^2 + \xi_2^2 + \dots + \xi_n^2$ мусбат квадратик форма эканлиги равшан.

Теорема. R_n фазода $e_1, e_2, \dots, e_n$ (И) базис мавжуд бўлиб, $A(x, x)$ квадратик формани бу (И) базисда $A(x, x) = \lambda_1 \xi_1^2 + \lambda_2 \xi_2^2 + \dots + \lambda_n \xi_n^2$

Кўринишга келтириш мумкин. Бу ерда $x = \xi_1 e_1 + \xi_2 e_2 + \dots + \xi_n e_n$ Исбот. Бирор $f_1, f_2, \dots, f_n$ базисда M тенглик ўринли бўлсин. $\eta_1, \eta_2, \dots, \eta_n$ лар векторнинг бу базисдаги координатлари. Базисни (*) формулада турли индексли координаталарининг кўпайтмалари йўқолиб борадиган қилиб, аста-секин алмаштира борамиз. Базиснинг ҳар бир алмаштиришига маълум базис алмаштиришлари тўғри келгани учун, биз координаталарини формулаларини ёза оламиз.

$A(x, x)$ формани квадратлар йиғиндисига келтириш учун, бизга a_{kk} коэффициентлардан

(η_2^2 нинг коэффициенти) камида биттаси нолдан фарқли бўлиши керак бўлади. Бунга ҳамма вақт еришиш мумкин. Ҳақиқатдан ҳам, нолга айнан тенг бўлмаган $A(x, x)$ формада ўзгарувчининг бирорта ҳам квадрати бўлмасин. Деб фараз қилайлик. У ҳолда камида битта кўпайтма, масалан $2a_{12}\eta_1\eta_2$ бўлади. η_1 ва η_2 координаталари

$$\eta_1 = \eta'_1 + \eta'_2$$

$$\eta_2 = \eta'_1 + \eta'_2$$

Формулага асосан алмаштирамиз, бошқа ўзгарувчиларни ўзгартмай колдирамиз. Бундай алсмаштиришда $2a_{12}\eta_1\eta_2$ ҳаднинг кўриниши $a_{12} = (\eta_1' - \eta_2')$ бўлиб қолади ва фаразга мувофиқ

$a_{11} = a_{22} = 0$ бўлгани учун бу ҳеч қандай ҳад билан кикара олмайди, яъни $\eta_1'^2$ нинг коэффициенти нолдан фарқли.

Энди (*) формуладан коэффициенти нолдан фарқли деб оламиз. Бизнинг квадратик формамиздан η_1 қатнашган ҳадларни ажратиб ёзамиз.

$a_{11}\eta_1^2 + 2a_{12}\eta_1\eta_2 + \dots + 2a_{1n}\eta_1\eta_n$ бу йиғиндини тўла квадратгача тўлдирамиз, яъни уни

$$a_{11}\eta_1^2 + 2a_{12}\eta_1\eta_2 + \dots + 2a_{1n}\eta_1\eta_n = \frac{1}{a_{11}}(a_{11}\eta_1 + \dots + a_{1n}\eta_n)^2 - B \quad (**)$$
 кўринишда

ёзамиз. B билан биз фақат $a_{11}\eta_2, \dots, a_{1n}$ ҳадлар квадратларини ва уларнинг ҳарр қайси иккитасининг кўпайтмаларини ўз ичига олган ҳадларни белгиладик. (**) ифодани (*) га қўйгандан сўнг қаралаётган квадратик форма

$A(x, x) = \frac{1}{a_{11}}(a_{11}\eta_1 + \dots + a_{1n}\eta_n)^2$ кўринишни олади. Бунда ёзилмаган ҳадларга ўзгарувчиларгина киради.

Фараз етайлик :

$$\eta_1^* = a_{11}\eta_1 + a_{12}\eta_2 + \dots + a_{1n}\eta_n$$

$$\eta_2^* = \eta_2,$$

$$\eta_n^* = \eta_n$$

У ҳолда квадратик форма

$$A(x, x) = \frac{1}{a_{11}}\eta_1^{*2} + \sum_{i,k=1}^n a_{ik}^* \eta_i^* \eta_k^*$$

кўринишни олади.

$$\sum_{i,k=1}^n a_{ik}^* \eta_i^* \eta_k^*$$

ифода (*) формуланинг ўнг томонига жуда ўхшаш бўлиб, бунда биринчи координата ўқ йўқ a_2^* коэффициентини нолдан фарқли деб фараз этиб (биз юқорида кўрдикки, содда ёрдамчи алмаштириш билан ҳамма вақт бу коэффициентни нолга тенглаштириш мумкин) биз ўзгарувчиларни биринчига ўхшаш

$$\begin{aligned}\eta_1^{**} &= \eta_1^* \\ \eta_2^{**} &= a_{22}^{**} \eta_2^* + a_{23}^{**} \eta_3^* + \dots + a_{2n}^{**} \eta_n^* \\ \eta_3^{**} &= \dots \eta_n^* \dots \\ &\dots \\ \eta_n^{**} &= \dots \eta_n^*\end{aligned}$$

формулаларга мувофиқ янгидан алмаштиришимиз мумкин, бундай алмаштиришдан сўнг форма

$$A(x, x) = \frac{1}{a_{11}^{**2}} \eta_1^{**2} + \frac{1}{a_{22}^{**2}} \eta_2^{**2} + \sum_{ik=3}^n a_{ik}^{**} \eta_i^{**} \eta_k^{**}$$

кўринишни олади. Бу процессни давом еттириб, ўзгарувчиларни бир қанча ўзгартиргандан кейин ўзгарувчиларга келамиз; $A(x, x)$ форма бу ўзгарувчилар орқали қуйдагича ифодаланади.

$$A(x, x) = \lambda_1 \xi_1^2 + \lambda_2 \xi_2^2 + \dots + \lambda_m \xi_m^2 \quad \text{бунда } m \leq n$$

2. Инерсия қонуни

$A(x, x)$ квадратик формани квадратлар йиғиндисига келтиришда, ўзида бу квадратик форма квадратлар йиғиндисига айланадиган, яъни бу форма

$$A(x, x) = \sum_{i=1}^n \lambda_i \xi_i^2 \quad (1)$$

кўринишга келадиган базисни турлича танлаб олиш мумкин. Биз квадратик форманинг инерсия қонуни деб аталувчи теорэмани келтирамиз.

Теорема: Агар квадратик форма икки турли усул билан (яъни бошқа-бошқа иккита базисда) квадратлар йиғиндисига келтирилган бўлса, у ҳолда мусбат коэффициентларнинг сони ҳамда манфий коэффициентларнинг сони иккала ҳолда бир хилдир.

Исбот: Дастлаб ушбу леммани исбот қиламиз.

Лемма. n ўлчоли R фазода мос тартибда k ва l ўлчовли иккита R' ҳам R'' коэффициентларнинг қисм фазолари мавжуд дейлик ва шу билан бирга $k+l > n$ бўлсин. У ҳолда бу қисм фазоларнинг иккаласига ҳам тегишли бўлган $x \neq 0$ вектор мавжуддир.

Исбот. $e_1, e_2, \dots, e_k$ лар k ўлчовли R' қисм фазонинг базиси, $f_1, f_2, \dots, f_l$ лар эса l ўлчовли R'' қисм фазонинг базиси бўлсин. $k+l$ та

$$e_1, e_2, \dots, e_k, f_1, f_2, \dots, f_l$$

векторлар чизиқли боғлиқ, чунки $k+l > n$. Бошқача қилиб айтганда, баъзиларигина нолга тенг бўлиши мумкин бўлган шундай

$$\lambda_1, \lambda_2, \dots, \lambda_k, \mu_1, \mu_2, \dots, \mu_l$$

сонлар мавжудки.

$$\lambda_1 e_1 + \lambda_2 e_2 + \dots + \lambda_k e_k + \mu_1 f_1 + \mu_2 f_2 + \dots + \mu_l f_l = 0$$

яъни

$$\lambda_1 e_1 + \lambda_2 e_2 + \dots + \lambda_k e_k = -\mu_1 f_1 - \mu_2 f_2 - \dots - \mu_l f_l$$

Энди

$$\lambda_1 e_1 + \lambda_2 e_2 + \dots + \lambda_k e_k = -\mu_1 f_1 - \mu_2 f_2 - \dots - \mu_l f_l = x$$

деб фараз қилайлик. Кўрамизки x вектор бир томондан

$e_1, e_2, \dots, e_k$, векторларнинг чизиқли комбинацияси сифатида тасвирланган, шунинг учун $x \in R'$, иккинчи томондан эса x нинг ўзи $f_1, f_2, \dots, f_l$ векторларнинг чизиқли комбинацияси сифатида тасвир этилган, Демак, $x \in R''$. Шундай қилиб, x вектор R' ҳамда R'' қисм фазоларнинг кесишиш жойида этади. $x \neq 0$ эканини кўрсатамиз. Агар $x = 0$

бўлганда еди, у ҳолда $e_1, e_2, \dots, e_k$, векторлар чизиқли ерки бўлганлари учун

$\lambda_1 = \lambda_2 = \dots = \lambda_k = t$ бўлар еди, $f_1, f_2, \dots, f_l$ векторларнинг чизиқли ерки бўлганликлари сабабли еса $\mu_1 = \mu_2 = \dots = \mu_l = 0$ бўлар еди.

Аммо $\lambda_1, \lambda_2, \dots, \lambda_k, \mu_1, \mu_2, \dots, \mu_l$

Сонлар орасида камида битта нолдан фарқли сон бор, шунинг учун $x \neq 0$ ва шунинг билан лемма исбот бўлди.

$e_1, e_2, \dots, e_n$ базисда $A(x, x)$ квадратик форма

$$A(x, x) = \xi_1^2 + \xi_2^2 + \dots - \xi_p^2 - \xi_{p+1}^2 - \dots - \xi_{p+q}^2 \quad (2)$$

кўринишга ега деб фараз қилайлик, шу билан бирга

$\xi_1, \xi_2, \dots, \xi_n$ лар x векторнинг координаталари яъни

$$X = \xi_1 e_1 + \xi_2 e_2 + \dots + \xi_p e_p + \xi_{p+1} e_{p+1} + \dots + \xi_{p+q} e_{p+q} + \dots \xi_n e_n$$

бўлсин. $f_1, f_2, \dots, f_n$ базисда шу квадратик форманинг ўзи

$$A(x, x) = \eta_1^2 + \eta_2^2 + \dots + \eta_{p'}^2 - \eta_{p'+1}^2 - \dots - \eta_{p'+q'}^2 \quad (3)$$

кўринишга ега бўлсин, бунда $\eta_1, \eta_2, \dots, \eta_n$ лар x векторнинг $f_1, f_2, \dots, f_n$ базисдаги координаталари. Биз $p' = p$ ва $q' = q$ эканлигини исбот қилишимиз керак. Бу шундай бўлмасин, масалан, $p' > p$ деб фараз қилайлик $e_1, e_2, \dots, e_n$ векторларнинг чизиқли комбинациясидан иборат R' қисм фазони қараймиз. Унинг ўлчови P га тенг.

$f_{p'+1}, f_{p'+2}, \dots, f_n$ векторлар чизиқли комбинациясидан иборат бўлган R'' қисм фазонинг ўлчови еса $n - p'$ га тенг. $n - p' + p > n$ бўлгани учун (чунки биз $p' > p$ фараз етганимиз), леммага мувофиқ, R' ва R'' нинг кесишган жойида ётадиган $x \neq 0$ вектор мавжуд яъни

$$x = \xi_1 e_1 + \xi_2 e_2 + \dots + \xi_p e_p$$

ва

$$x = \eta_{p'+1} f_{p'+1} + \dots + \eta_{p'+q'} f_{p'+q'} + \dots + \eta_n f_n$$

$e_1, e_2, \dots, e_n$ базисда бу вектор $\xi_1, \xi_2, \dots, \xi_p, 0, \dots, 0$ координаталарга ега

бўлиб,

$f_1, f_2, \dots, f_n$ базисда еса у $0, 0, \dots, \eta_{p'+1}, \dots, \eta_n$ координаталарга (2) ва (3)

ларга кўмиб бир то мондан еса

$$A(x, x) = \xi_1^2 + \xi_2^2 + \dots + \xi_p^2 > 0 \quad (4)$$

ни

($\xi_1, \xi_2, \dots, \xi_p$ ларнинг баъзиларигина нолдга тенг бўлиши мумкин бўлгани учун), иккинчи томондан еса

$$A(x, x) = -\eta_{p'+1}^2 - \eta_{p'+2}^2 - \dots - \eta_{p'+q'}^2 \leq 0 \quad (5)$$

ни ҳосил қиламиз. Биз зиддиятликка келдик, Демак, $p' > p$ тенгсизликнинг бўлиши мумкин эмас. $p > p'$, $q > q'$ ва $q > q'$ тенгсизликларнинг бўлиши мумкин эмаслиги ҳам худди шунга ўхшаш усул билан исбот етилади. Шундай қилиб, квадратик форма учун инерсия қонуни исбот етилди.

Назорат топшириқлари

1. Чизикли формани тушинтиринг ва мисоллар келтиринг
2. Бичизикли формилани тушинтиринг
3. Бирор базисда $A = (x, x) = \sum_{ik=1}^n a_{i,k} \xi_i \eta_k$ формани сода ҳолатга келтириб буладими?
4. Квадратик формула хакида хулоса чикаринг.

2-асосий савол ЕВКЛИД ФАЗОСИ

2-асосий савол бўйича ўқитувчининг мақсади:

Евклид фазо бўйича тушунча бериш ва ортогонал базисни ургатиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Евклид фазосини ўрганади.
2. Ортогонал базисни ва ортогоналлаштиришни ўрганади.

2-асосий савол баёни

Фараз қилайлик R_n бирор Евклид фазоси бўлсин. Бу фазонинг базиси

$$e_1, e_2, \dots, e_n \quad (1)$$

билан белгилаймиз.

Таъриф. Агар (1) базисда ихтиёрий иккитасининг кўпайтмаси

$$(e_i, e_j) = 0 \quad (2)$$

бўлса, у ҳолда (1) базис ортогонал базис дейилади.

Таъриф. Агар (1) базис учун (2) шарт ва

$$(e_i, e_i) = 1 \quad (3)$$

шарт бажарилса, у ҳолда (1) базис ортонормаллашган базис дейилади. (3) дан кўринадики $|e_i| = 1$ яъни

$$|e_i| = \sqrt{(e_i, e_i)} = \sqrt{1} = 1$$

Энди қуйидаги теорэмани келтириб утамиз.

Теорэма Ҳар қандай R Евклид фазосида ортогонал базис мавжуддир.

Исбот. R фазонинг ихтиёрий

$$f_1, f_2, \dots, f_n \quad (4)$$

базисни олиб қараймиз. Агар бу базисни бирор усул билан ортогоналлантирсак теорэма исбот бўлади. Бошқача қилиб айтганда (1) ортогонал базис тузамиз.

$$f_1 = e_1 \quad \text{деб оламмиз.}$$

$$e_2 = f_2 + \alpha e_1 \quad (5)$$

α - номаълум сон. Бу сонни

$$(e_1, e_2) = 0$$

шарт бажариладиган қилиб танлаймиз. Энди (5) қуйидагини ёзамиз.

$$(e_1, e_2) = (e_1, f_2 + \alpha e_1) = (e_1, f_2) + \alpha(e_1, e_1)$$

$$0 = (e_1, f_2) + \alpha(e_1, e_1) \rightarrow \alpha = -\frac{(e_1, f_2)}{(e_1, e_1)}$$

$$\alpha(e_1, e_1) = -(e_1, f_2) \quad , \quad \alpha = -\frac{(e_1, f_2)}{(e_1, e_1)}$$

Бу α қийматни (5) га қўямиз ва e_2 ни топган бўламиз. e_3 ни бундай излаймиз. Яъни

$$e_3 = f_3 e_3 + \lambda_1 e_2 + \lambda_2 e_1 \quad (7)$$

$\lambda_1 \lambda_2$ - номаълум сонлар. Бу сонларни

$$\begin{cases} (e_1 e_3) = 0 \\ (e_2 e_3) = 0 \end{cases} \quad (8)$$

шартлар асосидатоапмиз. Сўнгра (7) га қўйиб

e_3 ни топган бўламиз. (1) дан e_k ларни (4) ёрдаимда.

Юқоридаги 4 та шартни қаноатлантирган фазо Евклид фазоси дейилади.

Мисоллар: 1. ХОУ текисликда берилган векторлар фазоси, скаляр кўпайтмани бундай қабул қиламиз.

$$x = (\alpha_1, \alpha_2) \quad y = (\beta_1, \beta_2) \quad (x, y) = \alpha_1 \beta_1 + \alpha_2 \beta_2 \quad (1)$$

Бундай қабул қилинган скаляр кўпайтма юқоридаги 4 та шартни қаноатлантиради. Бундай Фазо Евклид фазо.

2. $[a, b]$ кесмадаги узлуксиз функциялар фазоси учун

$$(x, y) = (f(t), g(t)) = \int_a^b f(t) g(t) dt \quad (2)$$

Бу фазо ҳам Евклид фазо бўлади. Евклид фазосида x вектор учун

$$\sqrt{(x, x)} = |x| \quad \sqrt{(x, x)} = |x| \quad (3)$$

Аниқланган сон x векторнинг узунлиги дейилади .

Евклид фазосида x ва y векторлар орасидаги бурчак куйидаги формула билан аниқланади .

киради. Фараз етайлик : $\eta_1^* = a_{11} \eta_1 + a_{12} \eta_2 + \dots + a_{1n} \eta_n$ $\varphi = \arccos \frac{(x, y)}{|x| \cdot |y|}$

(4)

Бу (4) формула куйидагидан олингандир.

$$(x, y) = |x| \cdot |y| \cos \varphi \quad \cos \varphi = \frac{(x, y)}{|x| \cdot |y|} \quad \varphi = x \wedge y$$

куйида Яна бир тенгсизликни келтириб утамыз.

$$\frac{(x, y)}{|x| \cdot |y|} \leq 1 \quad (x, y) \leq |x| \cdot |y| \quad (5)$$

(3) ни еътиборга олиб (5) куйидагича бўлади.

$$(x, y) \leq \sqrt{(x, x)} \cdot \sqrt{(y, y)}$$

$$(x, y) \leq \sqrt{(x, x) \cdot (y, y)} \quad (6)$$

$$(x, y)^2 \leq (x, x) \cdot (y, y) \quad (6^1)$$

киради. Фараз етайлик : $\eta_1^* = a_{11}\eta_1 + a_{12}\eta_2 + \dots + a_{1n}\eta_n$ $\varphi = \arccos \frac{(x, y)}{|x| \cdot |y|}$

(4)

Бу (4) формула куйидагидан олингандир.

$$(x, y) = |x| \cdot |y| \cos \varphi \quad \cos \varphi = \frac{(x, y)}{|x| \cdot |y|} \quad \varphi = x \wedge y$$

куйида Яна бир тенгсизликни келтириб утамыз.

$$\frac{(x, y)}{|x| \cdot |y|} \leq 1 \quad (x, y) \leq |x| \cdot |y| \quad (5)$$

(3) ни еътиборга олиб (5) куйидагича бўлади.

$$(x, y) \leq \sqrt{(x, x)} \cdot \sqrt{(y, y)}$$

$$(x, y) \leq \sqrt{(x, x) \cdot (y, y)} \quad (6)$$

$$(x, y)^2 \leq (x, x) \cdot (y, y) \quad (6^1)$$

(6) – Коши-Бунъяковскийтенгсизлигидир.

Биз юқорида ҳақиқий фазони олиб қарадик, яъни бунда қаралаётган сонлар ҳақиқий сонлардир. Бундай фазолар Евклид фазосидир.

Агар P фазода қаралаётган сонлар комплекс сонлар, у ҳолда Евклид фазо унитар фазо дейилади.

2-маъруза бўйича амалий машғулот

Мавзу: Чизиқли ва квадратик формалар. Евклид фазоси.

Дарснинг мақсади:

Чизиқли, бичизқли, квадратик ва форманинг каноник кўринишга келтиришни мисоллар асосида ўргатиш. Евклид фазосини ўргатиш

Идентив ўқув мақсади:

Квадратик формани каноник кўринишга келтиришни ўрганиб олади. Евклид фазосида ортогоналлаштиришни билади.

Зарурий материал

Проскуряков. И. В.: Сборник задач полинейной алгебре. (М. 1978) китобидан
Н1175-1178, 1187-1189, 1351-1361, 1362.

Дарсда ечиладиган масалалар.

- 1) 1175, 1177, 1351, а), в), с)
- 2) 1187, 1188, 1361

Мустақил бажариш учун

- 1) 1176, 1351, с), д), е), 1189, 1362

Назорат топшириқлар.

1. Евклид фазосини тушунтиринг. Мисоллар келтиринг
2. Коши-Буняковский тенгсизлигини кўрсатинг
 - A) $(x, x) = |x|$
 - B) (x, y)
 - C) $|x| \leq \sqrt{(x, y)}$
 - D) $(y, y) \geq (x, y)$
 - E) $(x, y)^2 \leq (x, x)(y, y)$
3. Қайси шартда $l_1, l_2, l_3, \dots, l_n$ базис ортогоналлашган дейилади?
 - A) $(l_i, l_i) = 0$
 - B) $(l_i, l_k) = 0 \quad i \neq k$
 - C) $(l_i, k) = 1$
 - D) $(l_i, k)^2 = 1$
 - E) $(l_i, l_k) = 0; \quad (l_k, l_k) = 1$
4. Ортогоналлаштириш жараёнини тушунтиринг.

Мавзуга оид илмий муаммолар.

1. Форма тушунчасини киритиш.

2. Чизикли форманинг ифодаси.
3. Квадратик форманинг каноник формаси.
4. Ихтиёрий фазода скаляр кўпайтма.
5. Ихтиёрий базисни ортогоналлаштириш.

Асосий хулосалар ва уларни мустаҳкамлаш.

1. Хулоса. Ҳар қандай квадратик формани каноник кўринишга келтириш мумкин. Функциялар форма кўринишида бўлиши мумкин. Евклид фазосида скаляр кўпайтма муҳим. Ихтиёрий базисни ортогоналлаштириш мумкин. Евклид фазоси- бу чизикли фазо.

2. Мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Чизикли ва бичизикли форма нима?
2. Квадратик форма нима?
3. Ихтиёрий фазода скаляр кўпайтма нима?
4. Евклид фазосига мисол келтиринг.
5. Ортогонал базис нима?

Мавзу бўйича мустақил топшириқлар

1. Бичизикли формулалар, [1], И-боб, §4, п,2, [2], 11-бет
2. Квадратик формани соддалаштириш [1], И-боб, §5, [2], 27-32-бет
3. Ортогонал базис [1], И-боб, §3, [2], 35-37-бет

Адабиётлар:

1. Гелфанд «Чизикли алгебрадан лекциялар» 1961
2. Гаимназаров Г. «Чизикли алгебра элементлари», 1999
3. Назаров. Р.Н ва бошқалар «Алгебра ва сонлар назарияси» 1-кисм, 1993

З-МАЪРУЗА.

МАВЗУ: СҲИЗИҚЛИ ОПЕРАТОРЛАР

АСОСИЙ САВОЛЛАР.

1. Чизикли операторлар ва унинг матрисаси
2. Чизикли операторлар устида амаллар

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

Оператор, оператор матрисаси, йигинди, купайтма, бирлик оператор, тескари оператор.

1-асосий савол бўйича ўқитувчининг мақсади.

1. Чизикли оператор ва унинг асосий матрисаси тушунчасини бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Чизикли операторни тушуниб олади.
2. Оператор матрисасини тузади.

1-асосий савол баёни

Фараз қилайлик R_n бирор чизикли фазо бўлсин. Ихтиёрий x векторини y векторга бирор қонун қоида билан мос келтирайлик. Бундай мослик $\bar{x}$ ни $\bar{y}$ га алмаштириш дейилади. Алмаштиришлар операторлар деб юритилади.

Масалан. 1) $y = f(x) = x^2$ бу ерда қонун ёки қоида квадратга кўтаришдир.

$$x = 2 \rightarrow y = 4$$

$$x = 3 \rightarrow y = 9$$

2) f мослик ҳосила олиш бўлсин. $y = x^2$ бўлса $y' = 2x$

$$y = x^2 \rightarrow 2x = \frac{dy}{dx} \qquad y = \sin x \rightarrow \cos x = y'$$

Демак операторлар амаллардир. Яна бунга мисоллар келтирайлик. Векторларни паралел кўчириш, симметрия, проекциялар, буриш ва хоказолар. Шундай қилиб операторларни амаллар деймиз. Уларни

$A, B, C, \dots$ харфлар билан белгилаймиз. $Ax = y$

$x \in R_n, y \in R_n$ ёки $y \notin R_n$ бўлиши ҳам мумкин.

Таъриф. Агар бирор A оператор R_n фазода қуйидаги шартларни қаноатлантирса, у ҳолда бундай оператор чизикли оператор дейилади.

$$1) A(x_1 + x_2) = Ax_1 + Ax_2$$

$$2) A(\lambda x) = \lambda Ax, \lambda - \text{ўзгармас сон.}$$

Мисоллар

И) R_n да x га ўтказувчи операторни олиб қарайлик.

$Ax = x, Ax_1 = x_1, Ax_2 = x_2$ юқоридаги шартларни текширамиз.

$$1. A(x_1 + x_2) = x_1 + x_2 = Ax_1 + Ax_2$$

$$A(x_1 + x_2) = Ax_1 + Ax_2$$

$$2. A(\lambda x) = \lambda x, x = Ax$$

$$A(\lambda x) = \lambda Ax$$

Демак, бундай оператор чизикли оператор. Бундай операторни бирлик ёки айният оператор дейилади.

2) $x \rightarrow 0, \forall x$ яъни x вектор нол векторга ўцин. $Ax = 0$ бундай оператор ноловой оператор дейилади. Бу оператор ҳам чизиклидир, чунки

$$1. A(x_1 + x_2) = 0 = 0 + 0 = Ax_1 + Ax_2$$

$$2. A(\lambda x) = 0 = \lambda \cdot 0 = \lambda Ax$$

3) $Ax = -x$ чизикли оператор, бу векторни қарама-қарши тасвирлаш ёки ойнали тасвирлаш оператори .

4) $Ax = x^2$ хақиқий сонлар фазосида

$$x_1, x_2 \quad Ax_1 = x_1^2, \quad Ax_2 = x_2^2 \quad A(x_1 + x_2) = (x_1 + x_2)^2 \neq x_1^2 + x_2^2 = Ax_1 + Ax_2$$

$$A(x_1 + x_2) \neq Ax_1 + Ax_2$$

айтганда оператор берилганда биз унинг матрисасини туза оламиз. Уз навбатида ҳар қандай матриса оператордан иборатдир.

Масалан фазонинг векторлари $x = (a_1, a_2, a_3)$ $Ax = y = (a_1, 2a_2, 3a_3)$ бу операторнинг $e_1 = (1,0,0)$ $e_2 = (0,1,0)$ $e_3 = (0,0,1)$ базисдаги матрисаси тузилсин.

$$Ae_1, Ae_2, Ae_3 = ?$$

$$Ae_1 = (1, 2 \cdot 0, 3 \cdot 0) = (1, 0, 0)$$

$$Ae_2 = (0, 2 \cdot 1, 3 \cdot 0) = (0, 2, 0)$$

$$Ae_3 = (0, 2 \cdot 0, 3 \cdot 1) = (0, 0, 3)$$

$$\begin{cases} Ae_1 = (1, 2 \cdot 0, 3 \cdot 0) = (1, 0, 0) \\ Ae_2 = (0, 2 \cdot 1, 3 \cdot 0) = (0, 2, 0) \\ Ae_3 = (0, 2 \cdot 0, 3 \cdot 1) = (0, 0, 3) \end{cases} \quad (1)$$

$$Ae = \begin{pmatrix} a_{11} & a_{12} & \cdots & a_{1n} \\ a_{21} & a_{22} & \cdots & a_{2n} \\ \cdots & \cdots & \cdots & \cdots \\ a_{n1} & a_{n2} & \cdots & a_{nn} \end{pmatrix} \quad (2) \text{ дан}$$

$$Ae_1 = (1, 0, 0) = 1 \cdot e_1 + 0 \cdot e_2 + 0 \cdot e_3$$

$$Ae_2 = (0, 2, 0) = 0 \cdot e_1 + 2 \cdot e_2 + 0 \cdot e_3$$

$$Ae_3 = (0, 0, 3) = 0 \cdot e_1 + 0 \cdot e_2 + 3 \cdot e_3$$

$$Ae = \begin{pmatrix} 1 & 0 & 0 \\ 0 & 2 & 0 \\ 0 & 0 & 3 \end{pmatrix}$$

Ae операторнинг базисдаги матрисаси.

Назорат топшириқлари.

1.1. Қуйидагилардан нечтаси чизикли оператор бўлади.

1) $Ax = x$

2) $Ax = -x$

3) $Ax = x + a$

4) $Ax = 2x$

5) $Ax = \frac{dx(t)}{d(t)}$

6) $Ax = \int_a^b x(t) dt$

А) ҳаммаси

В) учтаси

С) бирортаси эмас

Д) Фақат 5 ва 6 Е) фақат 7 дан бошқаси

1.2 Оператор матрисасини тушунтиринг

1.3 Бирлик матриция учун матриция тузинг

2-асосий савол.

Чизиқли операторлар устида амаллар

2-асосий савол бўйича ўқитувчининг мақсади.

Оператор устида амаллар ўргатиш.

Идентив ўқув мақсадлари.

2.1 Операторларни кўпайтиришни ўрганиб олади.

2.2 Тескари операторни тушуниб олади.

2-асосий савол баёни

Фараз қилайлик R_n фазода A, B чизиқли операторлар берилган бўлсин.

Ихтиёрий x вектор учун шундай C оператор мавжуд бўлиб $Ax + Bx = Cx$ шартни қаноатлантирса, у ҳолда C оператор A ва B операторнинг йиғиндиси дейилади. Операторнинг йиғинедисини $A + B = C$ деб ёзамиз.

Операторларнинг йиғиндиси қуйидаги қонунларга бўйсунди.

1. $(A + B)x = (B + A)x$ комутативлик.

2. $(A + B) + C = A + (B + C)$ ассоциативлик

Энди операторнинг кўпайтмасини кўриб ўтамиз. Агар оператор x векторни y ўтказса ва B оператор y ни z га ўтказса, яъни $Ax = y$, $Bu = z$ бўлса, у ҳолда x векторни z га ўтказувчи C оператор A ва B операторлар кўпайтмаси дейилади.

$BAx = B(Ax) = Cx = z$ деб ёзилади. Операторларнинг кўпайтмаси қуйидаги қонунларга бўйсунди.

1. $AB \neq BA$

2. $A(BC) = (AB)C$

$$3. A(B+C) = A \cdot B + A \cdot C$$

Операторлар кўпайтмасы операторларнинг кетма-кет бажарилишидан иборат. 1-хоссани кўриб ўтамиз, яъни $AB \neq BA$ муносабатни кўрсатамиз. A оператор геометрик маънода x ни Ox ўқига проекциялашни олайлик. B деб векторнинг 90° га бурилишини олайлик.

$$Ax_1 = np_{Ox} x_1 = x_1, x_1 \perp x_2 \quad B(Ax_1) = Bx_1 = x_2, BAx_1 = x_2 \neq 0$$

$$Bx_1 = x_2, A(Bx_1) = Ax_2 = np_{Ox} x_2 = 0, ABx_1 = 0 \quad x_2 \neq 0, A \cdot B \neq B \cdot A$$

Тескари операторлар.

Агар A оператор x векторни y га ўтказган бўлиб, $Ax = y, By = x$ бўлса y ҳолда A ва B бир-бирига тескари оператор дейилади. A операторга тескари оператор A^{-1} деб ёзилади. $AA^{-1} = A^{-1}A = E$ бирлик оператор ўзини-ўзига ўтказаверади. $Ex = x$

Мисол. A интеграллаш ва B ҳосила олиш бўлсин.

$$x = t^2, \quad Ax = \frac{1}{3}t^3 + C, \quad B(Ax) = t^2$$

тескари операторнинг мавжуд бўлиши оператор матрисаларининг махсус ёки махсусмас бўлишига боғлиқдир. Агар оператор матрисанинг дитерминанти нолдан фарқли бўлса, яъни матриса махсусмас бўлса, y ҳолда бундай операторга тескари оператор мавжуд. Шундай қилиб тескари оператор мавжуд бўлиши учун унинг матрисаси махсусмас бўлиши керак.

Мисол. A оператор дифференциаллаш бўлсин. Шу операторни кўпёҳадлар базисида $(1, x, x^2, x^3)$ кўриб ўтайлик.

$$R_3(t) = \{a_0 + a_1 t + a_2 t^2 + a_3 t^3\} \text{ системалар кўпёҳадни ташкил этади. Масалан}$$

$$R_3(t) = \{t_1(t), x_2(t), x_3(t), x_3(t), \dots\} \quad x_1(t) = 1 - 2t^2 \quad x_2(t) = -2 + t + \frac{3}{2}t^2 + t^3$$

$$x_3(t) = -3 + t + t^2, \quad x_4(t) = 5 + 3t$$

$(1, x, x^2, x^3)$ базис бўлади, чунки

$$\{\alpha_0 + \alpha_1 t + \alpha_2 t^2 + \alpha_3 t^3 = 0\}, \quad \alpha_0 = \alpha_1 = \alpha_2 = \alpha_3 = 0$$

базисга A векторни татбиқлаймиз.

$$e_0 = 1, e_1 = t, e_2 = t^2, e_3 = t^3$$

$$A e_0 = 0, A e_1 = 1, A e_2 = 2t, A e_3 = 3t^2$$

$$A e_0 = 0 = 0 \cdot e_0 + 0 \cdot e_1 + 0 \cdot e_2 + 0 \cdot e_3$$

$$A e_1 = 1 = 1 \cdot e_0 + 0 \cdot e_1 + 0 \cdot e_2 + 0 \cdot e_3$$

$$A e_2 = 2 = 0 \cdot e_0 + 2 \cdot e_1 + 0 \cdot e_2 + 0 \cdot e_3$$

$$A e_3 = 3 = 0 \cdot e_0 + 0 \cdot e_1 + 3 \cdot e_2 + 0 \cdot e_3$$

$$A = \begin{pmatrix} 0 & 0 & 0 & 0 \\ 1 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & 2 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 3 & 0 \end{pmatrix}$$

(1) даражси 3 дан ошмайдиган кўпхадлар фазасидаги дифференциаллаш операторининг матрисасидир, бунда

$$\det A = \begin{vmatrix} 0 & 0 & 0 & 0 \\ 1 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & 2 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 0 \end{vmatrix} = 0 \quad \text{Демак, } A^{-1} \text{ мавжуд эмас.}$$

3-мартга бўйича амалий машғулот

Мавзу: Чизикли операторлар

Дарснинг мақсади:

Чизикли операторлар ва улар устида амалларни мисол, масалалар ечиш билан ўргатиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

Операторлардан чизикли бўлганини билиб олади ва улар устида амалларни бажара олади.

Зарурий материаллар

Проскуряков.И.В: Сборник задач полинейной алгебре.(М.1978) китобидан Н1441-1444-1446,1449-1452.

Дарсда ечиладиган масалалар

- 1) 1441,1443,1445
- 2) 1949,1951

Мустақил ечиш учун

- 1) 1442,1444,1446
1950,1952

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАР.

1. Операторларни кўпайтиришни тушунтиринг.
2. $AB=BA$ муносабатга мисол келитиринг ва изоҳланг, хулоса чиқаринг.
3. $AX=B$ тенгликда X операторни топиш учун қайси бир муносабат ўринли? Тескари операторни изоҳланг.

A) $x = \frac{B}{A}$ B) $x = A^{-1}B$ C) $x = BA^{-1}$

D) $x = B^{-1}A$ D) $x = AB^{-1}$

4. A операторининг тескари оператори мавжудлик шарти нимадан иборат? Изоҳланг

Мавзуга оид илмий муаммолар.

1. Чизикли оператор тушунчаси.
2. Операторни матрица кўринишда тасвирлаш.
3. Операторларнинг кетма-кет бажарилиши.
4. Тескари операторнинг мавжудлиги.

Асосий хулосалар ва уларни мустаҳкамлаш.

1. Хулоса. Бир векторни бошқа векторга ўтказувчи амалиёт оператор. Операторни матрица кўринишида тасвирлаш мумкин. Ҳар қандай матрица – бу оператор. Операторлар кўпайтмаси бу операторларнинг кетма-кет бажарилиши. Оператор матрицаси махсусмас бўлса, у ҳолда тескари операторлар мавжуд.

2. Мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Чизикли оператор нима ?
2. Оператор матрицаси қандай тузилади ?
3. Матрица ўзгариши нима ?
4. Операторлар устида қандай амаллар бажарилади ?
5. Тескари оператор қандай ҳолда мавжуд.

МАВЗУ БЎЙИЧА МУСТАҚИЛ ТОПШИРИҚЛАР

1. Чизикли оператор ва улар устида амаллар. [1], 2-боб, 9, [2], 2-боб
Пункт 12, 17 бет.
2. Инвариант қисм фазолар [2], 18 бет. [1], 2-боб 10

АДАБИЁТЛАР:

1. Гелфанд «Чизикли алгебрадан лекциялар» 1961

2. Гаимназаров Г. «Чизиқли алгебра элементлари», 1999

3. Фаддеев. Д. К. “Лекция по алгебре” 1984

4-МАЪРУЗА.

МАВЗУ: ОПЕРАТОРНИНГ ХОС ВЕКТОРЛАРИ ВА ХОС СОНЛАРИ.

Асосий савол.

Хос векторлар ва хос сонлар.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

Хос векторлар, хос сон, хара̀теристик кўпхад, хара̀теристик тенглама

Асосий савол бўйича ўқитувчининг мақсади:

Операторнинг хос векторини ва хос сонларини топишни ўргатиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Хос сонларни топиш учун хара̀теристик тенглама туза олади.
2. Хос векторларни топиш учун чизиқли тенгламалар системасини туза олади.

Асосий савол баёни

Фараз қиламиз R_n чизиқли фазода A оператор берилган бўлсин.

Таъриф. Агар A оператор R_n фазонинг x векторини ўзига хос λ_x векторга ўтказса, яъни

$$Ax = \lambda x \quad (1)$$

бўлса, у ҳолда бундай x вектор A операторнинг махсус вектори дейилади.

Бу ерда λ махсус сон дейилади. Бу таърифни қисқача бундай ҳам айтиш мумкин. Агар x вектор (1) шартни қаноатлантирса, махсус вектор дейилади. Махсус векторни бундай ҳам таърифлаш мумкин.

Таъриф . Агар бирор x вектор A оператор туфайли ўзига ўхшаш λ_x векторга ўца, яъни $Ax = \lambda x$ бўлса, у ҳолда бундай вектор махсус вектор дейилалди.

Мисоллар: A оператор нол оператор бўлсин. $Ax = 0, x$ вектор бирор R фазодан олинган. Шу операторнинг махсус векторларини олиб қарайлик.

$$0 = 0 \cdot x$$

$$\lambda x = 0 = 0 \cdot x$$

$$\lambda = 0$$

нол оператор учун махсус сон $\lambda = 0$ бўлиб, ҳамда x векторлар махсус вектор бўла олади.

2. Айният оператори (ёки бирлик) операторини олиб қарайлик.

$$Ax = x = 1 \cdot x, \lambda = 1, x \neq 0 \text{ махсус сон } 1.$$

3. $Ax = -x$ ойнали оператор.

$$Ax = -x = (-1)x \quad \lambda = -1, x \neq 0 \text{ махсус сон } -1.$$

Характеристик кўпхад.

R_n Фазода берилган A операторнинг махсус векторларини топишни кўриб ўтаимиз. Буни ушбу теорэма орқали ифодалаймиз.

Теорэма. R_n фазода берилган A чизикли оператор ҳеч бўлмаганда битта махсус векторга ега.

Исбот. x вектор A операторнинг махсус вектори бўлсин.

$$Ax = \lambda x \quad (\text{И})$$

Фазонинг базасини

$$e_1, e_2, \dots, e_n \quad (2)$$

билан белгилаймиз. x вектори базис орқали ифодалаймиз.

$$x = \xi_1 e_1 + \xi_2 e_2 + \cdots + \xi_n e_n \quad (3)$$

$$\lambda x = \lambda_{\xi_1} e_1 + \lambda_{\xi_2} e_2 + \cdots + \lambda_{\xi_n} e_n \quad (4)$$

А операторнинг чизиқлигини еътиборга олиб (3) га кўра ушбунни ёзамиз

$$Ax = A(\xi_1 e_1 + \xi_2 e_2 + \cdots + \xi_n e_n) = A(\xi_1 e_1) + A(\xi_2 e_2) + \cdots + A(\xi_n e_n) = \xi_1 A e_1 + \xi_2 A e_2 + \cdots + \xi_n A e_n \quad (5)$$

Энди (4) билан (5) дан ушбуни ёзамиз.

$$\lambda_{\xi_1} x + \lambda_{\xi_2} e_2 + \lambda_{\xi_n} e_n = \xi_1 A e_1 + \xi_2 A e_2 \cdots + \xi_n A e_n$$

А операторнинг (2) базисдаги матрисасини олиб қарайлик.

$$Ae = \begin{pmatrix} a_{11} & a_{12} & a_{13} \\ a_{21} & a_{22} & a_{23} \\ a_{31} & a_{32} & a_{33} \end{pmatrix}$$

Бу берилган (2) базисдаги A операторнинг матрисаси. Бу матрисага асосан қуйидагиларни ёзамиз.

[illegible]

Энди (7) ва (6) га қўйиб қуйидагиларни ҳисоблаймиз. Натажада қуйидагиларни ҳосил қиламиз.

$$\begin{aligned} & (a_{11}\xi_1 + a_{12}\xi_2 + \cdots + a_{1n}\xi_n)e_1 + (a_{21}\xi_1 + a_{22}\xi_2 + \cdots + a_{2n}\xi_n)e_2 + \cdots + (a_{n1}\xi_1 + a_{n2}\xi_2 + \cdots + a_{nn}\xi_n)e_n = \\ & \lambda_{\xi_1}e_1 + \lambda_{\xi_2}e_2 + \cdots + \lambda_{\xi_n}e_n \end{aligned} \quad (2)$$

векторлар системаси базис бўлганлигидан охирги тенгликдан қуйидагиларни ҳисоблаймиз.

$$\begin{aligned} &a_{11}\xi_1 + a_{12}\xi_2 + \cdots + a_{1n}\xi_n = \lambda\xi_1 \\ &a_{21}\xi_1 + a_{22}\xi_2 + \cdots + a_{2n}\xi_n = \lambda\xi_2 \\ &\dots\dots\dots \\ &a_{n1}\xi_1 + a_{n2}\xi_2 + \cdots + a_{nn}\xi_n = \lambda\xi_n \end{aligned}$$

Бундан

(8)

(9) нўмалумларга нисбатан бир

жинсли тенгламалар системасидир. Бу бир жинсли тенгламалар системаси нол эмас ечимга ега бўлиши учун унинг дитерминанти

(10)

Бўлиши зарур ва кифоя. Бу (10) λ га нисбатан n – даражали алгебраик тенгламадир. Бунинг чап томони λ га нисбатан n даражали кўпхад. Бундай кўпхад характеристик кўпхад дейилади. Шундай қилиб

(11)

Бу (III) ни ечиб λ_i махсус сонларни топамиз. $\lambda_1, \lambda_2, \dots, \lambda_n$ ларни (8) га қўйиб (9) ни топамиз. Демак (2) кўринишдаги махсус векторларни топамиз. Бу махсус векторлар битта ёки бир нечта бўлиши мумкин. (8) система характеристик (ҳал қилувчи) система дейилади.

Оператор матрисасининг детерминанти ва унинг изи.

Фараз илайлик R_n фазода A оператор берилган бўлсин.

$$A = \begin{pmatrix} a_{11} & a_{12} & \dots & a_{1n} \\ a_{21} & a_{22} & \dots & a_{2n} \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ a_{n1} & a_{n2} & \dots & a_{nn} \end{pmatrix}$$

Характеристик тенгламаси

$$\begin{vmatrix} a_{11} - \lambda & a_{12} & \cdots & a_{1n} \\ a_{21} & a_{22} - \lambda & \cdots & a_{2n} \\ \cdots & \cdots & \cdots & \cdots \\ a_{n1} & a_{n2} & \cdots & a_{nn} - \lambda \end{vmatrix} = 0 \quad (1)$$

буни ёйиб бунда ёйишимиз мумкин.

$$(-1)^n \lambda^n + b_1 \lambda^{n-1} + b_2 \lambda^{n-2} + \cdots + b_{n-1} \lambda + b_n$$

ёки

$$(-1)^n (\lambda^n - P_1 \lambda^{n-1} + P_2 \lambda^{n-2} + \cdots + P_n) = 0 \quad (2)$$

Бунинг чап томони n – даражали кўпхад ва уни қуйидагича белгилаймиз.

$$P(\lambda) = (-1)^n (\lambda^n - P_1 \lambda^{n-1} + P_2 \lambda^{n-2} + \cdots + P_n) = 0 \quad (3)$$

